

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«Сервис ва туризм» факультети

«Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси

**«Ҳимояга тавсия этилди»
“Халқаро туризм ва туризм
сервиси” кафедраси мудири,
и.ф.н. Р.С.Амриддинова**

Баённома № 10 2014 й. 26 май

**5811700 - «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси»
*таълим йўналиши***

**ТМС-110 гуруҳ талабаси Турсунқулов Анварнинг
“Қишлоқ туризмини ривожлантиришда меҳмонхона
хизматларини ташкил қилиш (Жиззах вилояти
мисолида)” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Илмий раҳбар ассистент Набиева Ш.Б.

САМАРҚАНД – 2014

Мундарижа

	Кириш.....	2
1.БОБ.	Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий ва ижтимоий-иқтисодий асослари.....	7
1.1.	Қишлоқ туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.....	7
1.2.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг аҳамияти.....	12
1.3.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий ва ижтимоий-иқтисодий асослари.....	17
2.БОБ.	Қишлоқ туризмнинг ресурслари, қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари	24
2.1.	Қишлоқ туризмнинг ресурслари.....	24
2.2.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари.....	27
2.3.	Қишлоқ туризми маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари.....	33
3.БОБ.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини самарали ташкил қилиш йўллари.....	37
3.1.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда туризм инфратузилмаларини ташкил қилиш.....	37
3.2.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда жойлаштириш хизматларини ташкил қилишда хорижий давлатларнинг тажрибалари.....	43
3.3.	Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда меҳмонхоналарни ташкил қилишнинг самарали йўллари.....	46
	Хулосалар.....	51
	Тавсиялар.....	53
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54

Кириш

Туризм ХХІ асрда жаҳон иқтисодиётига жуда катта ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий соҳа бўлиб кириб келди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари бўйича дунёда ишлаб чиқариш ва сервис оборотининг 10 % ини туризм ташкил қилмоқда.

Кейинги 20 йилда халқаро туризмнинг ривожланиши дунё бозорида товар ва хизматларнинг кучли экспорт қилинаётганлиги кузатилмоқда. Яъни туристик хизматларнинг экспортда ўсиши 8 % га ўсиб умумий хизматлар савдосининг жаҳон бўйича 30-35 % ини ташкил қилмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг «Туризм-2020 йилгача» мавзусидаги статистик маълумотида 2020-йилга бориб халқаро туристларнинг сони 1,6 млрд кишини ташкил қилиб, туризмдан олинадиган фойда 2 трлн АҚШ долларигача етади. Туристлик оқимнинг турғун равишда ўсиши ҳар йили 3-5 % гача кўпаяди.

Ўзбектуризм миллий компанияси маълумотларига кўра, 2010 йилда Ўзбекистонга 2009 йилга нисбатан 6,9 % кўп сайёҳ келган. 2011 йилнинг биринчи ярмида эса мамлакатимизда сайёҳлик хизматининг ўсиши 27%, хизмат кўрсатиш ҳажми эса 6,6 % ни ташкил этган. Бундан ташқари 2011 йилнинг январь-июнь ойларида 71 туристик корхона ва 29 меҳмонхона ишга тушурилди. Юртимизда ушбу соҳада 782 корхона, 294 меҳмонхона, қарийб 450 сайёҳлик оператори фаолият олиб бормоқда.

Албатта туризмнинг ривожланиши биринчи навбатда туризм индустриясининг ўзаги бўлган меҳмонхоналарнинг ривожланишига ижобий таъсир қилар экан. Чунки, меҳмонхона бизнеси туризмни ривожлантирувчи энг муҳим инфратузилмалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ХХІ аср туризмнинг ажралмас қисми бўлиб, биринчи навбатда туристларни қабул қилувчи ва туристларнинг дотлабки эҳтиёжларини қондирувчи, мураккаб меҳмонхоналар бизнесида нафақат хизматлар сонини, турини кўпайтиришга эътибор берилмоқда, балки кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва

самарадорлигини оширишга куч берилмоқда, хизматларнинг сифатини ва самарадорлигини ошириш учун янги-янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга меҳмонхона хўжалигидаги хизматларнинг яхшиланиши нафақат хизмат кўрсатишда балки, меҳмонхона ходимларининг юқори малака ва билимларга эга бўлишини талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда халқаро туризмда ҳам биринчи навбатда ҳар қандай меҳмонхонадаги сервис хизматларининг сифатига ва турли-туманлигига катта эътибор берилмоқда.

Меҳмонхоналардаги хизматларнинг турини кўпайтириш муаммо эмас, лекин бу хизматларни таклиф қилиш ва сифатли даражада ижро қилиш албатта меҳмонхоналарда хизмат қилувчи ходимларнинг хушмуомилалиги, очик чехралилиги, устамонлиги, чاقқонлиги ва ижрочилик қобилиятларининг юқори даражаларга етганлиги билан белгиланади.

Эътибор бериш лозимки меҳмонхона хўжалигининг раҳбарлари ёки менежерлари билан туристлар деярли учрашмайдилар ва мулоқотда ҳам бўлишмайди. Туристларга уларни қабул қилишдан тортиб то кузатгунча: жойлаштириш хизматлари, ресторан-овқатлантириш хизматлари, хоналардаги хизматлар ва қўшимча хизматларни барчасини меҳмонхона ходимлари бажаришади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда меҳмонхоналардаги хизматлар ва сервиснинг самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Албатда янги соҳа шаклланишида бу соҳани ривожлантиришнинг барча йўналишларини бирданига қамраб ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, давлат аҳамиятига молик бўлган туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий иқтисодий соҳа бўлганлигидан ривожланиш жараёнида унинг кўплаб янги тармоқлари, соҳалари ва йўналишлари таркиб топиб боради. Айниқса, туризмнинг янги турларини ривожлантириш кун тартибига чиқади. Биз битирув малакавий ишнинг мавзусини танлашда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда

қишлоқ туризмини ривожлантириш кундан-кунга долзарб масалалардан бўлиб бораётганлигидан келиб чиқди.

Ушбу қарорда мамлакатимизд хизматлар кўрсатишнинг қишлоқларда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан анча паст даражаларда эканлиги ва мамлакатимиз қишлоқларида хизматлар кўрсатишнинг янги йўналишларини, янги соҳа ва тармоқларини ташкил қилиш, қишлоқларда яшаётган маҳаллий аҳолининг иш билан бандлик даражаларини ошириш белгиланган. Ушбу қарорни амалиётга тадбиқ қилишнинг энг устивор йўналишларидан бири мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш ҳисобланади.

Қишлоқ туризми АҚШ, Канада ва Европа давлатларида ўтган асрнинг 70- йилларидан ривожлана бошлаган. Қишлоқ туризмнинг шаклланиши тарихида биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш ва қишлоқлардаги миллий меъросни сақлаб қолиш, қишлоқ табиатини ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш тадбирларидан келиб чиқган эди.

Шундай қилиб ,XX асрнинг иккинчи ярмида атроф-муҳитни тоза сақлаб қолиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, сайёравий муаммоларга айланиб кетганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга инсониятнинг тарихий, маданий меъросини сақлаш ҳам сайёравий чегараларда кун тартибига чиқди. Ушбу долзарб муаммолар натижасида қишлоқ туризми ривожланиш босқичини бошлади.

Жаҳонда туризм ривожланган давлатларнинг иқтисоётини ўрганганимизда шу нарса аниқ бўладики, бу давлатлар ўз ларида туризмни ривожлантиришни биринчи навбатда ички туризмни ривожлантиришдан бошлаганлар. Қишлоқ туризми эса ички туризмни ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги объектларидан ҳисобланади.Шу билан маълумки, шаҳарларда ҳар қандай янги соҳанинг тадбиркорлари, ишбилармонлари қисқа муддатларда шаклланадилар. Қишлоқ жойларда эса бу жараён анча қийин кечади.

Чунки, қишлоқ жойларда янги таркиб топаётган тармоқ ёки соҳанинг шарт- шароитлари ва инфратузилмаларини бирданига яратиб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда туризмнинг мазмунива моҳиятини, туризм бизнесини ва бу бизнес талабларини ташвиқот ва реклама қилиш, тадбиркорларни тайёрлаш, уларга давлат маблағлари ҳисобидан ёрдам бериш, ҳар-хил имтиёзлар яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, қайта тайёрлаш тизимларини ишлаб чиқиш зарур.

Қишлоқ туризми қишлоқларда ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишнинг мавзуси қилиб- «Қишлоқ туризминини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини ташкил қилиш» деб белгиладик. Юқорида қайд қилинганлардан маълум бўладики, мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш учун албатда қишлоқ туризминини ривожлантириш шу куннинг долзарб масалаларидан бўлиб юзага чиқди.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги шундан иборатки, қишлоқларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани кўтариш учун маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланганлигини ошириш, хизматларни кўпайтириш давлат миқёсидаги долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Битирув малакавий ишнинг ўрганиш объекти- қишлоқларда туризмни ривожлантиришдаги туристик ресурслар, объектлар ва имкониятлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги- мамлакатимизда қишлоқ туризминини ривожлантириш туризмни ривожлантиришда шу куннинг долзарб масалаларидан эканлиги сабабли, қишлоқ туризминини ривожлантиришни илмий-амалий жиҳатдан ташкил қилишда дастлабки тадқиқотлардан эканлиги ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади- қишлоқ туризминини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини ташкил қилишнинг самарали йўллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси- мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини ташкил қилиш ва хизматлар кўрсатишни амалда бажаришнинг самарали усулларини, тавсияларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, қишлоқ туризмини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини ташкил қилиш ва амалда қўллаш бўйича ишлаб чиқилган илмий- амалий тавсияладан туристик фирмалар, меҳмонхона хўжаликлари, туристик ташкилотлар ва туризмдаги тадбиркорлар фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркиби 3та боб, ҳар бир бобда 3 тадан параграф саволлари, хулосалар, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишда.....жадваллар,....расмлар ва.....график, чизмалар келтириди.Ишнинг ҳажми.... бетдан иборат бўлиб компьютерда саҳифаланди.

1.БОБ.Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий ва ижтимоий-иқтисодий асослари.

1.1. Қишлоқ туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

XX асрнинг иккинчи ярмида атроф муҳитни сақлаб қолиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш сайёравий муаммоларга айланиб кетганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга инсониятнинг тарихий маданий меъросини сақлаш ҳам сайёравий чегараларда кун тартибига чиқди. Ушбу долзарб муаммолар натижасида қишлоқ туризми ўзининг ривожланиш босқичини бошлади.

Маълумки, жаҳон туризми иқтисодиёт соҳалари ичида даромад келтириш бўйича энг олдинги ўринларни эгаллади, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаб ижтимоий иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишига шароитлар яратади ва шу сабаблардан туризм ҳар доим барқарор ривожланишга эга.

Шунинг учун ҳам туризм соҳаси жадал ривожланаётган мамлакатлар биринчи навбатда, бу соҳани ҳаракатга келтирувчи мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари қидирмоқда ва уни барқарор ривожлантириш томонларига эътиборини қаратишмоқда. Бунда, айниқса қишлоқ жойларидаги мавжуд туристик ресурсларни туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришгина иқтисодиётда катта самара бериши мумкин. Айниқса Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов 2009-йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиши қишлоқ туризмини ривожлантиришда катта имкониятлар яратиб берди.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишда қишлоқ жойларда

туризмни ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлиб салоҳиятли имкониятлар ҳам бор. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ жойларда жойлашиш ва овқатланишнинг шаҳардагига нисбатан 2-2,5 маротаба арзонлиги;
2. Қишлоқ жойларнинг экологик жиҳатдан тозаллиги;
3. Экологик тоза озиқ-овқат турларининг мавжудлиги;
4. Халқимизнинг қадимий мулки меъроси сақланиб қолганлиги;
5. Жозибадор туристик ресурслар ва миллий белгилар, хусусиятларга бой бўлган хизмат турларининг кўплаги ва ранг-баранглиги ва бошқалар.

Олим Н. Ибодуллаев ва С. Ҳайдаровлар (2009) Ўзбекистоннинг қишлоқларида туристик ресурслар ва туристик салоҳиятнинг жуда катта захиралари борлигини қайд қилган. Жадвал маълумотларидан маълум бўлдики қишлоқ жойларда туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Шу сабабли сўнги йилларда қишлоқ туризми дунёнинг кўплаб мамлакатларда жадал равишда ривожлантирмоқда. 1997-йилдан то 2000-йилгача Европа қишлоқ туризмидаги туристларнинг оқими 60 миллион кишини ташкил қилди. Германия, Италия, Буюк Британия ва Францияда қишлоқ туризми хизматларини ташкил қилувчи 10 минглаб туристни фирмалар ва туристик ташкилотлар мувоффақият билан ишламоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмнинг моҳияти ва унинг ресурсларини тадқиқ қилиш масалалари ҳозиргача ўрганилган эмас. Жаҳонда қишлоқ туризмига ҳар бир давлатлар ҳар хил мазмунда қарамокдалар. Баъзи бир давлатларда қишлоқ туризмига қишлоқдаги аҳоли сони бўйича баҳо беришади. Масалан, Буюк Британияда аҳолиси етти минг кишигача бўлган қишлоқларни қишлоқ туризмни ривожлантириш режаларига киритишади. Австрияда бу сонда аҳолиси бўлган қишлоқларни шаҳар туризмни ривожлантириш режаларига қўшишади.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларининг туристик салоҳияти.

№	Туризм турлари	Туристик ресурслар	Фойдаланиш имкониятлари
1	Тарихий археологик туризм	Тарихий обидалар, археологик қазилмалар	Ўрта
2	Этнографик туризм	Анъанавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фольклор, хўжалик фаолияти усуллари, турли маросимлар	Юқори
3	Қишлоқ хўжалик - агротуризм	Қишлоқ боғлари, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқларнинг ўзига хос кўринишлари	Ўрта
4	Танишув саёҳати	Курслар ва семинарлар (музыка, касб-ҳунар, табиий соғломлаштириш манбаалари ва бошқалар)	Ўта
5	Диний-зиёрат туризми	Муқаддас қадамжолар, черков, масжид ва бошқа зиёрат жойлари, турли диний маросимлар	Юқори
6	Экологик туризм	Қишлоқларнинг табиий географик минтақаларда (тоғ, тоғ олди, адир, чўл, сув ҳавзалари ва бошқалар) жойлашганлиги	Юқори
7	Соғломлаштириш туризми	Минерал сув манбаалари, пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар	Юқори
8	Рекреация туризми	Бетакрор жойлар, даралар, булоқлар, ўрмонлар, дарё бўйлари ва бошқалар	Юқори

Кўпгина давлатларда қишлоқ туризмини ривожлантиришни туризмнинг биринчи долзарб масаласи деб қаралмоқда. Чунки, қишлоқ туризмнинг ресурслари биринчи жадвалда келтирилганидек жуда катта салоҳиятга эга.

Қишлоқ туризми туризмнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Чунки, туристлар айниқса халқаро туристлар учун бизнинг қишлоқларимизда жозибадор ва жуда қизиқарли туристик объектлар мўл. Бу қишлоқларда ўзига хос бўлган қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи, табиати, деҳқончилиги, урф-одатлари, чорвачилиги, миллий маданияти ва миллий санъти, миллий маросимлари халқаро туристларни кўп кунлик муҳлатларда қишлоқларимизда қолиб кетишини таъминлайди.

Ҳозирча бу қишлоқ туризмига етарлича баҳо берганимизча йўқ. Кўп ҳолларда қишлоқ туризмини агро туризм ҳам деб атамоқдамиз ва кўплаб давлатларда қишлоқ туризмини экологик туризмнинг алоҳида йўналиши деб ҳам қаралмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмини ва агротуризмни ҳозирча қишлоқ ёки агротуризм деб қабул қилиш лозим.

Маълумки, туризмнинг ҳозирда ҳар хил кўринишлари мавжуд бўлиб уларнинг айримлари вақт ўтган сари сайқалланиб у ерга туристларни қайта-қайта жалб қилаверади. Туризмнинг қизиқарли тури халқаро микёсда эътироф этсак агротуризм ҳисобланади. Қайд қилганимиздек бу туризм туруни ривожлантириш учун республикамызда жуда катта имкониятлар бор.

Содда қилиб айтганимызда агротуризм – бу қишлоқларга туристларни олиб бориб, далаларда пахта экиш жарайонини ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари билан таништириш, йиғим-теримга туристларни қатнаштириш, миллий таомлар тайёрлашга иштирок эттириш ва бошқа қизиқарли ўйинларга таклиф этишдир. Бу туризмнинг бошқа туризм турларидан фарқи шундаки, бу туризмда барча жарайонлар ва воқелик табиий, ҳаққоний тарзда амалга оширилади ҳамда бу туризм табиат қўйнида бўлгани учун экологик жиҳатдан ҳам одам соғлигига фойдали.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқларда туристик фаолият анча арзон. Ҳамма ҳам қимматбаҳо туристик марказларда дам ола олмайди, шу жиҳатдан ҳам қишлоқ туризмини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, қишлоқ туризми қуйидаги ҳолларда ҳам амалга оширилади.

1. Тиббий маслаҳатга қараб қишлоқ иқлим шароитларида соғломлаштиришни олиб боришга қараб;
2. Табиат билан яқинлик, кўпроқ вақтни тоза ҳавода ўтказиш мақсадида;
3. Экологик тоза ва арзон маҳсулотлар билан озиқланиш мумкинлиги учун;
4. Қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлиш, ишлаш учун имкониятлар бор бўлганлиги учун (жисмоний чиниқиш мақсадида);
5. Қишлоқ одамлари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг маданияти, урф-одатлари билан танишиш, байрамлари ва ўйинларига қатнашиш имкониятларининг мавжудлиги.

Шунингдек, қишлоқларимизда сақланиб қолган миллий ўйинларимизни бутун дунёга таништириш имкониятлари ҳам қишлоқ туризмини ривожлантиришда жуда истиқболли йўналиш ҳисобланади. Айниқса, кўпқари-улоқ ўйини фақатгина Марказий Осиё давлатлари халқларида бор. Жаҳоннинг бошқа давлатларининг бирортасида эпчиллик, мардликни, кўркмасликни кўрсатувчи бундай миллий ўйинлар йўқ ҳисобланади. Қайд қилганларни ҳисобга олганимизда Республикамизда қишлоқ туризмнинг моҳияти – қишлоқларимизга халқаро туристларни жалб қилиш асосида қишлоқларнинг ободончилигини кучайтириш, қишлоқ аҳолисини халқаро ҳамдўстлик жараёнларига қўшиш ва қишлоқларимизни халқаро миқёсда дунёга кўрсатиш ҳисобланади.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мақсади эса – қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини қўшимча имкониятлар асосида ошириш , қишлоқ аҳолиси маҳсулотларининг кўпроқ сотилишини таъминлашдир.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг асосий вазифаси – қишлоқда туризмни ривожлантириш тадбиркорлигини ташкил қилиш ва кучайтириш деб қабул қилсак битириб малакавий ишнинг мазмунини шакллантиришдаги асосий вазифаларни тўғри белгилаган бўламиз.

1.2. Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг аҳамияти.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантириш муаммоларини ўрганишдан олдин, даст аввал қишлоқ туризмнинг моҳиятини мақсади ва вазифаларини билиб олишимиз лозим бўлади. Чунки, табиат билан боғлиқ туризм турлари кўп ҳолларда бир бири билан боғлиқ ҳолда ёки қўшилиб кетади ёки битта экологик туризмни ташкил қилади ва экотуризм деб аталади.

Александрова А.Ю (2010) дунёдаги кўп давлатлар қишлоқ туризмни экологик туризмнинг бир тармоғига қўшишни ёзади ва қуйидаги маълумотларни келтиради:

1. Юмшоқ (Sanfter tourimus – немсча; Soft Tourism- инглизча);
2. Тоғ, Табиат, шунингдек ёввойи табиат (Mountain, Nature or Wildernestourism);
3. Яшил, Сагузашт, Қишлоқ туризми (Green, Adventure, Agro Tourism);
4. Экологик туризм ёки Экотуризм (Ekologikal Tourism or Ekotourism).

Келтирилган маълумотлар бўйича қишлоқ туризми экотуризмнинг бир тармоғига тўғри келмоқда. Шунингдек, қишлоқ туризмни кўп давлатларда агротуризм деб ҳам аташади. Францияда, Буюк Британияда, Германияда, Италияда қишлоқ туризми, Австрия, Руминия, Австралияда экотуризм, АҚШ, Канада ва Африка давлатларида экотуризм ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмнинг моҳиятини кўплаб давлатларда ҳар хил тушунишади. Шу билан бирга эътибор бериш керакки, дунё давлатларида туризмдаги атамалар ҳозиргача бир систематикага туширилган эмас. Агар диққат қилсак туризм турларининг номларини ҳам турлича тушинишимиз мумкин. Лекин бу турли тушинишларга аниқлик киритиш талаб қилинмоқда. Масалан қишлоқ билан боғлиқ туризм қишлоқ туризми

деб аталади ва “Қишлоқ жойлардаги туризм” эса бутунлай бошқа маъно билдиради.

Шунингдек, агротуризм қишлоқ жойлардаги деҳқончиликни билдиради. (Александрова А.Ю. 2010) агар бу қишлоқ туризмнинг ўрнига “Қишлоқ жойлардаги туризм” десак кўп жиҳатлар маълум бўлади. Чунки қишлоқ туризмнинг ичида агро туризм ҳам бор. Халқаро адабиётларда ҳам шундай чалкашликлар бор бўлсада, бу ҳозирча “Агротуризмни” ҳам “Қишлоқ жойлардаги туризмни” ҳам бирга қўшиб “Қишлоқ туризми” деб атасак тўғри бўлади.

Қишлоқ туризми ривожлана боргани сари албатта унинг соҳалари ёки йўналишлари (агротуризм) алоҳида тармоқларга ажралиб кетади. Чунки, қишлоқ туризми туризмдаги кўплаб турларни ўзида қамраб олган. Масалан, Экологик туризмнинг асосий ресурслари қишлоқларда жойлашган, лекин биз унга саёҳатни экотуризм деб атаймиз, деҳқончиликка қизиқишни эса агротуризм деймиз.

Қишлоқ туризмнинг моҳиятига баҳо бермаганлигимиз, мазмунига тушунмаганлигимизнинг бош сабаби қишлоқ туризми тадқиқотларини бошламаганимиз ҳисобланади. Худди шунингдек, қишлоқ туризмнинг ички туризм асоси эканлигини ҳам ҳозиргача англаб етганимиз йўқ.

Маълумки, ички туризм Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг таснифи бўйича – бир мамлакат аҳолисининг ўз давлати ҳудудларидаги туристик фаолият деб белгиланган. Қишлоқ туризми эса ички туризмнинг асосий объектларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам туризм ривожланган давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар, аҳолини туризм жараёнларига тайёрлаганлар.

Шу тариқа турмушдаги, айниқса қишлоқ турмушидаги тадбиркорлик кучайиб кетган. Энди қишлоқ туризмни ривожлантириш ички туризмнинг ривожланишига қайта асос, таянч бўлишини ортиқча исботлаб ўтиришга изоҳ йўқ. Лекин, ташкил қилинмаганлигидан ички туризмни тарихий обидалари бор шаҳарларга саёҳат деб тушунмоқдамиз.

Қишлоқ туризмини ривожлантириш деганда халқаро туристларни қишлоқларимизга ташриф буюришини тушунишимиз ҳам бутунлай нотўғри хулосалардан иборат. Тўғри, халқаро туристлар қишлоқларимиз ҳаётига, яшаш тарзига, этнографиясига, ишлаб чиқаришга, маданиятга, урф-одатига ва ҳокозоларига қизиқиш мумкин. Лекин, ҳозирча бу қизиқишни биз уларда ҳосил қила олганимизча йўқ.

Республикамызда қишлоқ туризмини ривожлантиришни мамлакатимиздаги шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олиши деб тушунмоғимиз керак. Ана шу тушунча билангина, фақат анна шу тушунча билангина Ўзбекистон қишлоқ туризмини ривожлантиришимиз мумкин. Бундай хулосага келишга асос албатта туризм ва қишлоқ туризми жуда кучли ривожланган Европадаги қишлоқ туризмини географиясини ўрганиб чиқишимиз бўлди. Хатто Европада ҳам қишлоқ туризмнинг ривожланишига собиқ иттифокнинг катта салбий таъсири бор: Шимолий Европа қишлоқ туризми, Марказий Европа қишлоқ туризми, Жанубий Европа қишлоқ туризми ва Шарқий Европа қишлоқ туризми.

Марказий Европа қишлоқ туризмнинг бешиги ҳисобланади. Франция, Буюк Британия, Германия – бу учала мамлакат Европада биринчилардан бўлиб қишлоқ туризмини ривожлантиришга киришган давлатлар ҳисобланади. Франция давлатининг қишлоқ туризми мамлакат шарқида ва жанубида кучли ривожланган, ғарбида кучсизроқ ривожланган.

Бу ҳолатнинг асосий сабаби Франциялик тадбиркорларнинг қишлоқларнинг табиий иқлим хусусиятларини ҳисобга олганлигидандир. Шарқда қишлоқ туризми ривожланганинг асосий сабаби бу жойларда тоғ тизимларининг кўплиги ҳисобланади (Франция Алпи, Вогеца тоғлари, Юра тоғлари) ва Швейцария, Италия, Германия, Белгия ва Люксембург давлатлари билан чегарадошлигидир. Бу давлатлардан Францияга қишлоқ туризми туристик оқим анча кучли ҳисобланади.

Франциянинг жануби эса пляж-чўмилиш зоналари билан машҳурдир ва виночилик районлари ҳам айнан жанубий районларида. Шарқда иқлим

хусусиятларининг ноқулайлиги учун қишлоқ туризми кучсиз ривожланган. Лекин, давлат ушбу районлар учун ҳам қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегиясини ишлаб берган. Бу стратегик режа бўйича шарқдаги қишлоқ туризми давлат маблағлари томонидан кучли равишда қўллаб қувватланади.

Германияда ҳам қишлоқ туризми бир текис эмас. Бу мамлакатда қишлоқ туризми бой районларда кучли ривожланган. Чунки Германия давлати ҳам, мамлакатдаги бой районлар ҳам қишлоқ туризмини ривожлантириш учун катта маблағлар ажратади. Собик Германия демократик республикаси ҳудудларида ҳам қишлоқ туризми ғарбдаги ҳамшаҳарлари тажрибалари ҳисобига аста-секинлик билан ривожланиб бормоқда.

Буюк Британияда қишлоқ туризми асосан жанубда яхши ривожланган. Бунинг асосий сабаблари катта шаҳарлар ва пойтахтнинг жанубда жойлашганлиги билан изоҳланади. Иккинчи сабаб жанубдаги қишлоқларда қадимги маданият қолдиқларининг йўқлигидир. Британия давлати ҳам қайси районларидаги қишлоқларда туристик оқимни ташкил қилиш имкониятлари кўп бўлса ўша районларга енгил фоизли кредитларни кўп ажратадилар.

Шимолий Европа давлатларидаги қишлоқ туризми қаттиқ табиий иқлим шароитларига мослашган. Дания давлатининг қишлоқ туризми Европа давлатлари учун эъталон ҳисобланади. Шимолий Европа давлатларидаги қишлоқ туризми қиш мавсумларида шаҳарликларнинг қишлоқларга келиб чанғи спорти билан дам олишига асосланган.

Шарқий Европа давлатларида қишлоқ туризми аста-секин шаклланмоқда. Чунки, бу давлатлар узоқ вақтлар собик иттифоқ таъсирида бўлганлиги учун қишлоқ туризми билан шуғулланиш ишлаб чиқа олмадилар.

Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи “Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик” режасини ишлаб чиққан:

- Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;
- Ҳудудий ахборот воситалари (бюролари) ёрдамида қишлоқ туризми ҳақида бепул ахборот маълумотлари билан таъминлаш;

- Дастурда қатнашувчи деҳқон хўжаликларини якка тартибда молиявий қувватлаш;
- Қишлоқ инфратузилмаларини яратишда мақсадли маблағларни ажратиш;
- Қишлоқ туризмини хусусийлаштиришда давлатнинг қатнашувини таъминлаш;
- Қишлоқ жойларнинг мониторингини ташкил қилиш;
- Лойиҳани амалга оширишда инвесторларни излаш;
- Солиқ имтиёзларини кучайтириш ва дотация соҳасида рағбатлантириш сиёсатини юритиш.

Европа давлатларида қишлоқ туризмининг кучли ривожланишини ўрганишимизда бу туризм билан улар ўзаро ҳамкорликда яъни Европа Иттифоқи дастурида шуғулланаётганини кўрамиз.

Бу давлатларда қишлоқ туризмини ривожлантиришдан 3 та манфаат, 3 та сиёсат ҳал қилинмоқда;

1. Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил қилиш асосида қишлоқ иқтисодиётини кўтариши, қишлоқларда ишлаб чиқаришни кучайтириш, қишлоқда савдо-сотиқни кучайтириш;
2. Шаҳарликларнинг мақсадли дам олишни ташкил қилиш орқали шаҳарликларнинг маблағларини қишлоққа йўналтириш;
3. Солиқ тизими орқали давлат хазинасига қўшимча маблағларни тушириш ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш ва бошқалар.

Европадаги мамлактларда қишлоқ туризмида талаб ва таклифларнинг ўзгариш истикболларини кўриб чиққанимизда маълум бўлдики, давлатлардаги 30 % шаҳар аҳолиси айнан қишлоқларда дам олишни хоҳлашади. Бу фоиз эса Европа давлатларида қишлоқ туризмини кучли ривожлантиришнинг мақсадли йўналиш эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг нақадар фойдалилигини юқоридаги таҳлиллар

асосида тушуниб олиш мумкин. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимизда жиддий бўлиб турган ишсизликни ечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш, қишлоқларининг иқтисодиётини кўтариш, савдо-сотиқни ташкил қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни ошириш каби муҳим масаларни ҳал қилишимиз мумкин.

Иккинчидан, шаҳарларимизда яшаётган аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, шаҳарликларни қишлоқлар билан боғлаш, уларнинг қишки мавсумга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ғамлаб олишда йўл-йўриқлар кўрсатиш, айниқса шаҳарлик болаларни қишлоқларда ҳордиқ чиқаришини, табиат бағрида бўлиб табиатни англашни шакллантиришимиз лозим бўлди.

Учинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантиришда солиқ тушумларининг кўпайишини таъминлаш ва ушбу маблағлар асосида қишлоқ жойларни ободонлаштиришни кучайтириш:

Тўртинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқлардаги тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, муқаддас кадамжоларни обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, улардан халқимизни эркин фойдаланишини таъминлаш ишларини амалга ошириш ишларини ҳал қилишимиз лозим бўлди.

1.3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий ва ижтимоий —иқтисодий аҳамияти

Туризмни ривожлантиришга Ўзбекистонда ҳам катта аҳамият берилиши ўта муҳим, давлатимиз сиёсатига молик масала ҳисобланади. Бу муҳим сиёсатнинг маъносини шундан ҳам англаш мумкинки, сўнги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг кўплаб фармон ва қарорлари, вилоятларда эса унинг ижросини бажариш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бу қарорлар жумласига “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида” ги қарорини киритиш мумкин. Ушбу қарорнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим аҳамияти шундан иборатки, қарорда қўйилган чора-тадбирлар, кўрсатмалар ва йўлланмалар туризм соҳасидаги хизматларни тўлиқ қамраб олган.

Энди, республикамызда қишлоқ туризмини ривожлантиришда хизматларни ташкил этиш ва бу хизматлар мамлакатимиз аҳолиснинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим аҳамиятни кўриб чиққанимызда қишлоқларимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда келиб чиқадиган туризм хизматларининг манбааларига тўхталиш лозим бўлади.

Ўлкамызда саккиз ой мобайнида қуёш катта нур бериб туради ва туристлар табиатимизнинг бу саховатидан тўлиқ баҳраманд бўлишлари мумкин. Салқинлаб дам олиш мақсадида бунёд этилган ҳовлилар, шийпонлар, айвонлар, болаҳоналар, кўкаламзор, ариқ ва ҳовлилар қишлоқ туризмнинг оммовийлашувига хизмат қилиши керак.

Шуниси аниқки, чет эллик туристларга бизнинг энг қиммат нархли, замон талабига жавоб берадиган меҳмонхоналаримиз эмас, балки, ўзбекона, миллий услубда қурилган меҳмонхоналаримиз ёқади ва биз ҳам шуни таклиф этишимиз керак. Чунки, улар ўзи Европа услубида қурилган уйларда истиқомат қилишади, биз назарда тутган миллий хоналаримиз эса бир томондан қурилишда ҳам харажат талаб этади, яна миллийликни уйғунлаштиради.



1 – Расм. Қишлоқ уйлари.

Туристларнинг ётишлари учун миллий сўрилар, болишлар, кўрпалар уларда юқори, ўзга дунёга тушиш таъсуротларни ҳосил қилади. Туристларнинг дам олиш вақтларида хизмат кўрсатиш дастурлари – сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг фирма услуби воситаларидан бири ҳисобланади. Жумладан туяларда сайр этиш, сайёҳларни туя ёки отга миндириб расм олиш ҳам қишлоқ туризмидаги муҳим хизматлар турига киради. Йўл давомида фаол дам олишга катта эътибор берилаётган йўналишлар ҳам, туристик хизматларнинг фирма услубини мустаҳкамлайди.



2 – расм. Тоғ қишлоқлари.

Туризмниг фирма услуби янгиликларидан яна бирига миллий таом тайёрлаш жараёнида иштирок этиш киради. Бунда ўзбекча палов, лағмон, мастава, кабоб, сомса тайёрлаш услублари ҳам кўрсатилиб, ҳам оғзаки тушунтирилгач, тайёр бўлган таомни татиб кўриш таклиф этилади.


Таомни юксак маҳорат билан пишириш, пазандачилик анъаналари сайёҳларни фақат тарихий қадриятлар билан таништириш манбаи бўлиб қолмай, балки, катта фойда келтирувчи тадбир ҳамдир. Бу таомларни тайёрлаш тўғрисидаги китобчаларни сотиш, қозон атрофида суратга олиш, дастурхон атрофида ўзбек меҳмондўстлик анъаналарининг бевосита иштирокчилари бўлиши мумкин.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда қишлоқларимизнинг турли табиий иқлим шароитларида жойлашганлиги сабабли туристик хизматларни ишлаб чиқишда экологик туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор беришимиз керак.

Шунинг учун ҳам экотуризмнинг мамлакатимиз аҳолисининг, ижтимоий –иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини белгилаш, тадқиқ қилиш ўринли бўлади. Яъни қишлоқ туризмини ривожлантиришда экотуризм фаолиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни қуйидагича изоҳланади.

1. Туристлар билимини, маданиятини, маънавиятини, умуммаданий, табиий-илмий, экологик билим ва экологик хавфсизлик билимлари билан табиатнинг ўзида бойитиш;
2. “Шаҳардаги стресс-чарчоқ ҳолатдан” чиқиш ва эҳтирос, ҳиссиётларни тиклаш, соғломлаштириш;
3. Туристларга экологик маданиятни шакллантириш натижасида жамиятнинг ижтимоий ҳаётида барқарор ривожлантириш дунёқарашларни кучайтириш;
4. Туристларда нотаниш халқларнинг миллий маданиятига, яшаш тарзига, миллий урф-одатларига, маросимларига, ватанига дўстона меҳр-оқибатларни шакллантириш.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини белгилаганимизда экологик туризмнинг буюк тамойилларидан келиб чиқиб, яъни экотуризмдан келадиган маблағ табиатни муҳофаза қилиш, ноёб биологик ресурслар, биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини қуйидагича белгилаш мумкин:



3 – расм. Тоғ қишлоқлари.

Бу тамоиллар экотуризмнинг ижтимоий тамоилларига қўшилади ва қишлоқ туризмини ривожлантиришда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида истиқболли йўналиш бўлишини исботлади:

1. Экотуризм маҳаллий меҳнат ресурсларини қўшимча янги иш ўринлари билан таъминлайди ва ёрдам беради;
2. Табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги технологияларини жалб қилади;
3. Қишлоқ туризми экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради;
4. Қишлоқ туризми табиат муҳофазасига янги инвестициялар киритилишини таъминлайди (ахборотлайди) ва экотуристик ҳудудлар сервисини такомиллаштиради;
5. Қишлоқларнинг объектларида маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражаларини ўстиради;

6. Экотуризм ва табиат муҳофазаси таълимини олишда мутахассисларни экотуристик билим ва экотуристик маданият билимининг назарий ва амалий асосларини яратади;
7. Қишлоқ туризми маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари-хунарманчиликка кенг йўл очади ва ривожлантиради;
8. Қишлоқ туризми табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий бошқарувни ривожлантиради ва маънавий, моддий жихатлар бўйича рағбатлантиради;
9. Қишлоқ туризми халқлар ўртасида халқаро дўстона ҳамдўстлик алоқаларини юзага келтиради.



4 – расм. Қишлоқда халқаро туристлар учун қизиқарли мавзу.

2.БОБ.Қишлоқ туризмнинг ресурслари, қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари.

2.1. Қишлоқ туризмнинг ресурслари.

Қишлоқларимизда туризмнинг қуйидаги турларининг ресурслари ҳам мавжуд:

- **тарихий – археологик туризм ресурслари** – тарихий обидалар, тарихий жойлар, археологик қолдиқлар, топилмалар;
- **этнографик туризм ресурслари** – анаънавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фолклар, урф-одатлар, маданият, турли маросимлар, миллий ўйинлар;
- **қишлоқ хўжалик – агротуризм ресурслари** – қишлоқ боғлари, деҳқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва қурилиши;
- **диний – зиёрат туризми ресурслари** – муқаддас қадамжолар, азиз-авлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;
- **экологик туризм ресурслари** – қишлоқ жойларнинг ватанимизнинг барча табиий – географик минтақаларида (тоғ, тоғ олди, чўл, адир, сув ҳавзалари) жойлашганлиги;
- **рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари** – пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари.

Қишлоқ туризмни ташкил қилишда юқорида қайд қилинган туризм турларининг барча реурслари мажмуали, бириккан ҳолда ишлайди ва ҳар қандай туристни кўпроқ муддатларга ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантиришга ўтган асрнинг 60 йилларидан жадал киришди. Ҳозирга келиб Европа давлатларида қишлоқ туризмидаги туристларнинг оқими 60 млн. туристни ташкил қилмоқда.

Франция, Германия, Англия, Италия давлатларида қишлоқ туризми хизматларини ишлаб чиқарувчи 10 минглаб туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар муваффақият билан ишлашмоқда Қишлоқ туризмининг барча реурслари қилишда юқорида қайд қилинган туризм турларининг барча реурслари мажмуали, бириккан ҳолда ишлайди ва ҳар қандай туристни кўпроқ муддатларга ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари қишлоқ туризмининг ривожлантиришга ўтган асрнинг 60 йилларидан жадал киришди. Ҳозирга келиб Европа давлатларида қишлоқ туризмидаги туристларнинг оқими 60 млн. туристни ташкил қилмоқда. Франция, Германия, Англия, Италия давлатларида қишлоқ туризми хизматларини ишлаб чиқарувчи 10 минглаб туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар муваффақият билан ишлашмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тадқиқ қилишга эндиgina киришяпмиз. Жаҳонда қишлоқ туризмига ҳар бир давлатлар ўзларидаги имкониятларига қараб ҳар хил мазмунда қарамоқда. Масалан, Англияда аҳолиси 7000 кишилик қишлоқларни қишлоқ туризмининг ривожлантириш режасига киритишади, Австрияда бу сонлик аҳолиси бўлган қишлоқларни шаҳар туризмининг ривожлантириш режаларига қўшишади. Шунингдек, қишлоқ туризмининг, агротуризмни Россиялик олимлар экологик туризмнинг тармоғи деб билишади. Европа давлатларида аксинча агротуризм-деҳқончилик билан боғлиқ туризм, экологик туризм эса табиат бағрида бўлиш ва уни муҳофаза қилишга кўмаклашиш деб белгиланган.

Ватанимизда қишлоқ жойлардаги ресурслардан туристик мақсадларда фойдаланишни мажмуали ташкил қилиш қулайлигини ҳисобга олиб юқорида келтирилган туризм турларини жамлаган ҳолда қишлоқ туризми деб атасак бу туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш анча осон кечади. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмининг ташкил қилишдаги муаммоларни ўрганишдан олдин, даставвал қишлоқ туризмининг моҳиятини, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишимиз лозим бўлади.

Жаҳондаги кўплаб давлатларда «Қишлоқ жойлардаги туризм» атамаси ҳам бор ва улар қишлоқлардаги туризм ресурсларга боғлиқ ҳолда туристик инфратузилмаларни яратадилар. Бу ҳолат уларда қишлоқ туризмнинг жуда ривожланганлигини ва айрим – айрим йўналишларни ҳосил қилганлигини кўрсатади.

Биз учун энг муҳими, қишлоқ туризмни ривожлантириш мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш асослари эканлигини англаб олишимиздир. Маълумки, ички туризм Бутунжаҳон туризм ташкилотининг таснифи бўйича бир мамлакат аҳолисининг ўз давлати ҳудудларидаги туристик фаолияти деб белгиланган. Қишлоқлардаги туристик ресурслар ички туризмнинг асосий объектлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АҚШ, Канада, Англия, Франция, Германия, Испания каби давлатлар дастлаб (ўтган асрнинг 70-йилларидан) ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар, бутун аҳолини янги ижтимоий- иқтисодий соҳага - туризм жараёнларига кўп йиллар давомида тайёрлаганлар. Шу тариқа туризмдаги тадбиркорлик айниқса қишлоқ туризмидаги тадбиркорлик кучайиб кетган. Лекин афсуски, ҳозиргача ички туризмни ҳам халқаро туризмни ҳам тарихий обидалари бор шаҳарларга саёҳат деб тушунмоқдамиз.

Қишлоқ туризмни ривожлантириш деганда халқаро туристларнинг қишлоқларимизга ташриф буюришни тушунишимиз ҳам бутунлай нотўғри (ҳозирча). Тўғрилиги шундаки, халқаро туристлар қишлоқларимиз ҳаётига, миллий маданиятимиз, қишлоқлардаги миллий маъросимга, урф-одатимизга, миллий ўйинларимизга албатда қизиқишади, халқаро туристик оқим кўпаяди. Лекин, ҳозирча биз улар учун қишлоқларимизда хизматлар кўрсатиш инфратузилмаларини ташкил қилаолганимизча йўқ, туристик маҳсулот ҳам, таклиф ҳам тайёрлаганимиз йўқ.

Республикамызда қишлоқ туризмни ривожлантириш зарурлигининг энг асосий, долзарб яна бир масаласини – шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олишини ташкил қилиш деб тушунмоғимиз лозим. Қайд қилганимиздек, дунёда қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали ички

туризмни сўнгра халқаро туризмни ривожлантиришга ва жаҳон туризмида «лидер» ўринларни эгаллаб келаётган АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Италия ва Испания давлатлари жаҳон туризмидаги ҳозирги мавқеъларига дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали эришдилар. Ғарбий Европанинг барча давлатлари ҳам қишлоқ туризмни жадал ривожлантиришмоқда. Шарқий Европа давлатлари кўп йиллар собиқ советлар таъсирида бўлганлигидан қишлоқ туризмни ишлаб чиқиш дастурларини тузаолмадилар.

2.2. Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари.

Энди, тан олишимиз лозимки, қишлоқ туризмни ривожлантириш мавзусида республикамізда ҳали илмий тадқиқотларнинг бошланмаганлигини ҳисобга олиб халқаро технологиялар ва дастурларни ўрганишимиз зарур бўлади. Қишлоқ туризмни ривожлантириш йўллари алоҳида Европa Иттифоқининг «Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг стратегик режалари»ни ўрганишимиз лозим. Бу стратегик режага асосан қишлоқ туризмни ривожлантириш дастурига қуйидагилар киритилган. Биз учун бу дастур анча муҳим бўлиши мумкин.

- қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштириш;
- салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқларнинг ахборот бюроларига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни бепул етказиб бериш;
- дастурда қатнашувчи деҳқон хўжаликларини манзили бўйича молиявий қувватлаш;
- қишлоқ инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича мақсадли маблағлар ажратиш;

- қишлоқ туризми корхоналарини хусусийлаштиришда давлатнинг фоиизли қатнашувини таъминлаш;
- қишлоқ жойларининг ҳолати мониторингини доимий ўтказиб бориш;
- фермерларни дотациялаш ва имтиёзли солиқлар белгилашда рағбатлантириш сиёсатини қўллаш;
- лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларни излаш;
- Умумий қилиб олганда Европа давлатларида қишлоқ туризмининг ривожлантиришдан 3 та сиёсий ҳолатни ташкил қилиш ва 3 та манфаатни ҳосил қилиш ҳал қилинмоқда.

1. қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш асосида қишлоқ иқтисодиётини кўтариш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва савдо – сотиқни кучайтириш;

2. Шаҳарликларнинг мақсадли дам олишини ташкил қилиш орқали шаҳарликларнинг маблағларини қишлоқга йўналтириш;

3. Солиқ тизими орқали давлат хазинасига қўшимча маблағларни тушириш ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш (туризм инфратузилмалари, транспорт коммуникациялари, меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, спорт иншоотлари ва бошқ.).

Европадаги мамлакатлардаги қишлоқ туризмидаги туристик талаб ва таклифларнинг ўсиши истиқболларини таҳлил қилганимиздан маълум бўладики, бу давлатлардаги 30 % шаҳар аҳолиси айнан қишлоқларда дам олиш ҳам қишки маҳсулотларни ғамлаш орқали қишлоқ туризмининг кучли ривожлантиришнинг мақсадли йўналиш эканлигидан далолат беради. Қишлоқ туризмининг ривожлантиришда жаҳоннинг кўплаб давлатлари Европа моделларидан, дастурларидан, стратегик режаларидан нусха олмоқдалар. Чунки, ҳозирда қишлоқ туризми фақат Европа давлатларида барқарор ривожланмоқда. Қишлоқ туризмининг ташкил қилишда 1970-йилларда дастлаб «Туризм ва қишлоқ жойларни ривожлантириш агентлиги», Австрияда – Австрия фермерлик туризми ассоцияси», 1990 йилда Европа Иттифоқининг – «Қишлоқ жойларни мажмуали ривожлантириш Умум Европа «Лидер»

дастури» ташкилотлари муваққият билан ишлаб келмоқда. Демак мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда «Ўзбектуризм» миллий компанияси таркибида «Қишлоқ туризмини ривожлантириш» бўлимини ташкил қилишимиз зарур. Бу бўлим қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қўйидаги ишларни амалга ошириши мақсадли йўналиш бўлади:

- қишлоқлардаги туристик ресурсларнинг рўйхатини олиш, улардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш даражалари, тавсифларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ туризмида атроф муҳитни муҳофаза қилишда экологик туризмни ривожлантириш дастурларини яратиш;
- қишлоқларда етиштирилаётган ва ишлаб ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг сифатини кўтариш ва истеъмолчини таклиф қилиш;
- қишлоқ туризмида маркетингни ташкил қилиш ва талаб-таклиф-истеъмолчи тизимидаги ишларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини ишлаб чиқиш ҳозирча анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қайд қилганимиздек, бу соҳада кенг кўламли тадқиқотлар бошланганича йўқ. Лекин, президентимиз И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ватанимизда туризмни ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари ва қарорлари асосида «Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини дастлаб лойиҳа вариантларда

ишлаб чиқишни бошлашимиз лозим бўлади. Қўйида сиз азиз газетхонларга ва туризм мутахассисларига шундай лойиҳалардан бири тақдим қилинади.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастури

I. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий асослари ва ҳуқуқий меъёрлари.

- а) - қишлоқ туризмнинг моҳияти ва мазмуни, мақсади ва вазифалари;
- б) - қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий қонун-қоидалари;
- в) – қишлоқ ерларидан туризмда фойдаланишнинг асослари.
- г)- қишлоқ ерларидаги туристик ресурслардан фойдаланишнинг асослари

II. Ташкилий қисм.

- а) -қишлоқ туризмнинг ташкилий – иқтисодий механизмлари
- б) -қишлоқ туризмидаги талаб ва таклиф, эҳтиёж ва истеъмол
- в) -қишлоқ туризмнинг маҳсулотлари ва истеъмолчилари;
- г) -қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича ахборотлар тизими
- д) -қишлоқ туризмини маҳаллий бошқариш тизими
- ж) -қишлоқ туризмга мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш

III. Қишлоқ туризмини молиялаштириш ва солиқ тизими.

- а) –қишлоқда туристларни жойлаштириш воситаларига молиявий ёрдамлар, жойлаштириш тартиб-қоидалари, талаб қилинадиган инфратузилмалар, жойлаштириш баҳолари, жойлаштириш даражалари, солиқлар тизими.
- б) қишлоқда туристларни, овқатлантириш тартиб-қоидалари, овқатлантириш инфратузилмалари, овқатлантириш баҳолари, миллий таомлар менюси, овқатлантиришдаги технологиялар, хизмат ва сервис даражалари, солиқлар тизими.

в) қишлоқ туризмида транспорт хизматлари, транспорт воситалари, транспорт коммуникацияси хизматлари, транспортдан фойдаланиш тизими, чекловлар, маҳаллий транспортлардан фойдаланиш тизими, хавфсизликни таъминлаш тизими.

г) қишлоқ туризмида кўнгил очар, ўйинларни ташкил қилиш, туристларнинг миллий байрамларда, туй ва бошқа маросимларга қатнашиши тартиб қоидалари, чўмилиш тартиб-қоидалари, кечки ўйинларни ўтказиш, миллий анъана, урф-одатларда кийиниш тартиби.

д) қишлоқ туризмида гид-экскурсия хизматларини ташкил қилиш тизими, турмаршрутлар танлаш тизими, ҳаёти хавфсизликларини таъминлаш тизими.

IV. Қишлоқ туризмини бошқариш тизими:

а) Ўзбектуризм МК → вилоят ҳокимликлари, туман ҳокимликлари → қишлоқ фуқаролари йиғини.

б) ички ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат солиқ назорати.

г) университетлар, институтлар, махсус коллежлар.

Мамлакатимизда биринчи навбатда қишлоқ туризмини ривожлантиришда давлат дастури ишлаб чиқилиши талаб қилинади, иккинчи талаб эса стратегик режа яратишдир. Қишлоқ туризмини ривожлантириш режаси, давлат дастури, бошқарув таркиби, молиялаш тизими, қишлоқлардаги имкониятлар, қишлоқлардаги туристик ресурслар, қишлоқ аҳолисининг қишлоқларга туристларнинг ташрифи ҳақидаги муносабатлари, қишлоқ ижтимоий – иқтисодий ҳаётига таъсири, қишлоқ табиий ресурсларига таъсири ҳақида давлат оммавий нашрларида республикаимизнинг олимлари, мутахассислари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар мутахассислари доимо илмий оммабоп мақолалар билан чиқишлари мақсадли бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш масалалари, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида енгил ўқиладиган ва енгил тушуниладиган ўқув-услубий қўлланмалар чоп қилиб қишлоқлар аҳолисига бепул тарақатилиши кутиладиган натижаларни беради.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш нақадар фойдалилиги ва ҳозирги эркин бозор ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бажарилишида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатига мос келиши қуйидаги таҳлиллардан ҳам тушуниб олиш мумкин.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимиздаги мавжуд ишсизликни ечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқларнинг иқтисодини кўтариш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш каби муҳим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Иккинчидан, шаҳарларимизда яшаётган аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, шаҳарликларни қишлоқлар билан боғлаш, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишки мавсумга ғамлаб олиши шароитларини яратиш, айниқса шаҳарлик болаларнинг қишлоқларда ҳордик чиқаришини, табиат бағрида бўлиб табиатни англашни, экологик онг, экологик маданиятни шакллантиришимиз табиатга меҳр уйғотишимиз осонлашади.

Учинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантиришда солиқ тушумларининг кўпайишини таъминлаш ва ушбу маблағлар асосида қишлоқ жойларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Тўртинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқ табиатини муҳофаза қилиш, тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, улардан халқимизнинг эркин фойдаланишини таъминлаш масалалари ҳал бўлади.

Бешинчидан, жаҳон халқлари қишлоқларимизда сақланиб қолинган ва мустақиллигимиз туфайли тобора сайқалланиб бораётган миллий меъросимиз, миллий санаътимиз ва маданиятимиз билан яқиндан танишади.

Энг муҳими, президентимиз И.А.Каримовнинг қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган фармон ва қарорлари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», «Обод турмуш йили» давлат дастурларидаги режаларнинг амалга ошиши кучаяди.

2.3. Қишлоқ туризми маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари.

Қишлоқ туризмида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бирмунча мураккаброқ кечади. Чунки, қишлоқларда ички ишлар ходимларининг назорати анча эркин ва бўшроқ бўлади. Қишлоқларда маҳаллий аҳоли туристлар билан анча эркин мулоқот қиладилар. Туризмда туристларни ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим, давлат сиёсатига молик масала ҳисобланади. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қонунда ва ҳукумат қарорларида алоҳида модда билан белгиланган.

Ана шундай дастлабки қонун – Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонуни ҳисобланади. Бу қонун 20-август 1999-йилда қабул қилинган бўлиб қонундаги 18, 19, 20-моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора-тадбирлар тизимини яратишга асос бўлди. Туризм таълимидаги барча мутахассисликлар ушбу ушбу қонун моддаларини ўрганиш ўринли бўлади. Шу жумладан Ўзбекистонга келган туристлар ҳаётини суғурта қилиш ҳам туризмдаги муҳим хавфсизлик масалалари қаторига киради.

Қишлоқ туризмидаги туристларни туристик фаолияти кўп ҳолларда экологик туризм маршрутларидагидек давом этади. Шунинг учун ҳам

қишлоқ туризмида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини сақлаш, муҳофаза чора -тадбирларини ишлаб чиқишда экологик туризм маршрутларидаги ҳаёт хавфсизлиги меъёрларини олса бўлади.

Умуман қишлоқ туризмида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда кўплаб муаммоларни ечишга тўғри келади. Чунки, қишлоқ туризмида туристлар бошқа туризм турларидагидек фақат бир мавзудаги туристик маршрутда ҳаракатланмайди балки, турли-туман тадбирларда қатнашади, маршрутларга чиқишади, далаларда ишлашади, ишлаб чиқариш жараёнларига қатнашади, ҳар хил байрамлар ва томошаларда иштирок этади.

Туристларнинг ҳар хил миллий ўйинларга иштирок этишда ҳам уларнинг ҳаёти хавфсизлиги масалаларини ҳал қилиш, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, огоҳлантириш суҳбатларини ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмида туристик фаолият кўрсатадиган туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда мажмуали чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш тўғри бўлади.

Қишлоқ туризмида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганда дастлаб туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар ва кутилмаганда келиб чиқадиган хавф-хатарларни ўрганишимиз лозим:

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар қуйидагича таърифланади:

1.Зарарли омиллар:

- Жароҳат олиш хавфи Ёнғинда қолиб кетиш хавфи;
- Биологик таъсир қилиш хавфи;
- Рухий – жисмоний юклама олиш хавфи;
- Нурланиш хавфи;
- Кимёвий заҳарланиш хавфи;
- Тутундан ва газдан заҳарланиш хавфи;

- Туристнинг таваккалчасига ҳаракатланишидан келиб чиқадиган хавфлар.

2. Биологик омиллар:

- Микроорганизмлар (микроблар)дан зарарланиш хавфи (ошқозон ичак фаолиятининг бузилиши)
- Заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш хавфи;
- Заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар, ҳашаротлар), ҳашаротлар (чаён, қорақурт, ари)дан заҳарланиш хавфи;
- Юқумли касалликлар тарқатувчи ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, паррандалардан ҳар хил касалликлар юқтириш хавфи;
- Аллергия ва бошқа касалликларни чақирувчи ўсимликзор, ўтлоқлар ва ўрмонзорлада ушбу касалликларни юқтириш хавфи;

3. Кутилмаган омиллар:

- Туристлар жойлашган жойларда табиатнинг фавқулотдаги ҳодисалари (сув тошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва бошқалар)дан келиб чиқадиган хавфлар;
- Туристлар жойлашган жойлардаги аҳоли, жамоатчиликдаги тартиб-интизомнинг бўшлигидан келиб чиқадиган хавфлар;
- Туристлар фойдаланаётган меҳмонхона, лагер биноларини техник ҳолати, канатли сим йўллар, чанғи йўллари, автомагистраллар, сўқмоқлар ва бошқа объектларнинг техник ҳолатидан келиб чиқадиган хавфлар.
- Қишлоқ туризмида туристик маршрутлар турли-туман мавзуларда бўлиши ва табиий ландшафтларни қамраб олганлигидан тур маршрутда туристларнинг тартиб – интизомга риоя қилишларига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади. Туристик маршрут давомида туристларнинг транспортни ўзбошимчалик билан тўхтатишларига рухсат берилмайди. Туристик автобус ёки транспорт воситаси маршрутда фақат маршрут раҳбарининг рухсати билан тўхтатиш

мумкин. Шунингдек, маршрут давомида транспорт салонида газ ва бошқа нохуш ҳидларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликда ҳам ҳайдовчи маршрут бошланишидан олдин огоҳлантиради.

- Умуман хулоса қилганимизда қишлоқ туризмида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини сақлаш масаласи анча жиддий муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмини ташкил қилувчи туристик фирмалар, туристик ташкилотлар, инвесторлар албатта техник хавфсизлик чора-тадбирлари бўйича ҳуқуқий –меъёрий ҳужжатларни яхши билишлари талаб қилинади.

3.Боб. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда меҳмонхона хизматларини самарали ташкил қилиш йўллари.

3.1. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда туризм инфратузилмаларини ташкил қилиш.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг бош омили туризм инфратузилмаларини яратиш ҳисобланади. Чунки туризмдаги барча хизматлар туризм инфратузилмалари орқали, аниқроғи туризм инфратузилмаларининг ичида кўрсатилади. Шунинг учун ҳам инфратузилмаларга тўхталамиз.

Инфратузилма сўзи бу – жамиятнинг ҳаёт фаолияти, шароити ва ишлаб чиқариш жараёнларини бевосита таъминлайдиган иқтисодиётнинг, илмий – техник билимларнинг ва жисмоний ҳаётнинг тармоқлари ҳисобланади¹.

Инфратузилма орқали ҳаёт кечириш учун зарур бўлган хўжалик ва маданий объектлар, унинг хизматлар кўрсатиш тармоқларини ташкил қилувчи (йўллар, кўприклар, каналлар, омборлар, транспорт, алоқа, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалиги, фан, таълим, сағлиқни сақлаш, молиявий ташкилотлар ва бошқалар) маҳаллий бошқарув мажмуаси ҳисобланади.

Инфратузилмалар хусусан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга бўлинади. Ижтимоий инфратузилма ўзида соҳлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа йўналишларни, барча корхоналар, муассасалар бинолари, тармоқлари ва технологик тизимлар, одамлар ижтимоий ҳаётидаги моддий асосларни шакиллантиришга қаратилган.

Инфратузилма элементлари турли хил элементларига қараб тоифаланиши мумкин. Инфратузилма кенг миқёсли мезонлар бўйича халқаро, миллий, ҳудудий, шаҳар, қишлоқ инфратузилмаларига ажратилади. Фаолият соҳаси мезонларига кўра инфратузилма ижтимоий, бошқарув ва технологик соҳалар билан чегараланади.

¹ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю., 1999 й.

Туризм инфратузилмаси бу – туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш умумий шартларининг бирлашган моҳиятидир. Ишлаб чиқариш умумий шартлари тушунчаси моҳиятини очишда мутухассисларнинг фикирлари ва карашлари турлича бўлиб улар бир– биридан фарқланади.

Айримлари инфратузилма бу – асосий технологик жараёнларни таъминловчи объектлар ёки фаолият турлари деб тушунсалар, бошқалари эса бу – бутун технологик жараёнлар деб таърифлашади, учунчи гуруҳ мутахассислар бу – туристик маҳсулотларни шакиллантириш учун зарур бўлган технологик жараёнлар ва унга қўшимча бошқарув таъсиридир дейишади. Айнан ана шу мкейинги мураккаб мазмунга эга “туристик маҳсулот” тушунчаси инфратузилманинг асосий мазмунини ва моҳиятини ташкил этади.

Шундай қилиб, туризм инфратузилмаси туристик маҳсулотларни шакиллантиришда (ишлаб чиқаришда) иштирок этувчи тармоқлар (транспорт, алоқа ахборот воситалари, комуникация тармоқлари, энергетика, сув таъминоти, маиший хизматлар кўрсатиш соҳалари, коммунал хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, жойлаштириш воситалари, савдо хизматини кўрсатиш, овқатлантириш корхоналари, маданий ва спорт иншоатлари, молиявий ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ва бошқалар) ва унга қўшимча туризм соҳасини бошқарувчи мажмуа тушунилади.

Инфратузилма туризм тизимида умумий, ижтимоий – иқтисодий шартларнинг таркибий қисми сифатида кўзга ташланади. Ҳозирги вақтда туризмда аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ ва сифатли қондириш учун истиқболли технологиялар ва туризм инфратузилмасини самарали бошқаришни ташкил қилиш зарур. Туризм инфратузилмаси фаолиятининг объекти бўлиб туристик маҳсулотни шакиллантиришда иштирок этадиган хўжалик, маданий объектлар, хизматлар кўрсатувчи тармоқлар ҳамда маҳаллий бошқарув ташкилотлари ҳисобланади.

Туризм салоҳияти имкониятларидан унумли фойдаланишга қаратилган мажмуали чора – тадбирларни амалга ошириш, халқаро ва ички туризмни

ривожлантиришни жадаллаштириш, хизматлар кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши ва сифатини жаҳон андозаларига мос равишда яхшиланишини таъминлаш ҳамда республика иқтисодиётининг ўсишида туризм тармоғининг улушини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 – ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4058 сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев раислигида 2009 йил 30 – январда мажлис ўтказди.

Мажлисда республикамиздаги вилоятларда туризмни ривожлантиришнинг мукамал дастурларини ишлаб чиқиш учун “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм соҳасини қўллаб – қувватлаш ва ривожлантириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши тузилди. Бу кенгаш туризмни ривожлантиришда¹³ банддан иборат кўрсатмаларни қабул қилди. Ушбу кўрсатмаларнинг барчасида туризм инфратузилмаларни яратиш алоҳида қайд қилинган эди.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи ваколат билан вилоятларда туризмни ривожлантиришда туристик инфратузилмаларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши”нинг 2009 йил 3 – августдаги мажлиси баёни бўйича Республикамизда туризмни ривожлантиришда қуйидаги масалалар долзарблигича қолмоқда.

Бу йўналишларнинг ҳозирги туризм ривожланишидаги долзарблиги Республикамиздаги барча вилоятларда ишлаган ишчи гуруҳларнинг туризмдаги вазиятларни ўрганиш натижасида аниқланади:

- Туризм инфратузилмаларини ривожлантириш;

- Маркетинг ва реклама тадбирларини самарали ташкил этиш;
- Туристик объектларда аҳоли ва сайёҳларга хизматлар кўрсатишни тизимли ташкил этиш ва сифатини ошириш;
- Туризм соҳасида хусусий секторни янада қўллаб – қувватлаш ва ривожлантириш;
- Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш жойларини барпо этиш;
- Туризм турларини ривожлантириш;
- Туризм салоҳиятидан келиб чиқиб халқаро ҳамкорликни кенгайтириш.

Юқорида қайд қилинган долзарб масалаларнинг барчаси туризм инфратузилмаларини яратишни талаб қилмоқда. Агар туризм инфратузилмасининг таърифидаги талабларни эътиборга олсак ҳозирги туризм ривождаги асосий муаммоларнинг мажмуаси ҳам туризмдаги инфратузилмаларни яратишининг суғҳ ҳолатда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда.

Аслида мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг долзарблиги ва бу муҳим тармоқларни ривожлантиришнинг давлат дастури Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 325 – сонли қарорида белгилаб берилган эди.

Президентимиз хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси туризм туризм инфратузилмаларида ва иқтисодиётимизнинг барча инфратузилмаларида амалга оширишини олдиндан кўра билди.

Шунинг учун ҳам республикаимизда туризм инфратузилмаларини яратишга жадал киришилмоқда, ҳозирга келиб туризмда меҳмонхона ҳўжалиги билан боғлиқ инфратузилмалар талаб даражасида ривожлантирилмоқда.

Дастлаб туризм инфратузилмаларида асосий ўринларни эгаллайдиган йўл – транспорт коммуникацияларини яхшилашдаги тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Йўлбўйи инфратузилмаларини (ёқилғи қуйиш шахобчалари, транспорт тўхташ жойлари, маиший йўл хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа воситалари) бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар томонидан қуруш ва фойдаланиш;
- Туристик йўналишдаги йўللارни таъмирлаш давомида таблолар, йўналишларни кўрсатиш шитлари, йўл белгиларини янгидан ўрнатиш;
- Туристик маршрутларда сайёҳларнинг овқатланиши санитария – гигиена талабларига жавоб берадиган, лицензияси ва сертификати бўлган озиқ – овқатлар билан таъминланган овқатланиш объектларини ташкил этиш.

Туристларга транспорт хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш учун талаб даражасидаги инфратузилма хизматларини яратиш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Туристик фирмалар ва меҳмонхоналарга транспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматларини ташкил қилиш;
- Мавжуд транспорт воситаларини ҳар бир маршрутдан олдин техник кўрикдан ўтказиш;
- Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан давомли ўтказиб туриш ва маршрут давомида уларнинг ҳайдаш муддати 8 соатдан ошмаслигини қаттиқ назорат қилиш;
- Автомобилларни ижарага беришни ташкил қилиш;

Меҳмонхоналарда инфратузилмаларнинг мукамал ва сифатли ишлашлари учун қуйидаги тавсияларни қўллаш мақсадли бўлади:

- ✓ Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг хорижий тилларни билиш даражасига эътиборни қаратиш;
- ✓ Меҳмонхоналарда электр энергия, сув, газ таъминотлари билан узулиши ҳолатларининг олдини олиш учун маҳаллий ҳокимят органлари билан узвий алоқада бўлиш, бу соҳада улар билан шартномалар тузиш, чора – тадбирлар белгилаш;
- ✓ Меҳмонхона хўжаликларида туристларнинг мароқли дам олишлари учун қўшимча хизматларни (концерт, миллий ўйинлар, учрашувлар ва бошқалар) ташкил қилиш;
- ✓ Меҳмонхоналарда туристларга қулайликлар яратиш мақсадида валюта алмаштириш (VISA, MASTER, CARD) пунктларини очиш;
- ✓ Меҳмонхоналарга лизинг ёки имтиёзли кредитлар ажратган ҳолда замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш;
- ✓ Меҳмонхоналар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Тошкент, Самарқанд шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар билан алоқаларни йўлга қўйиш;
- ✓ Жаҳон андозаларига мос равишда автоматлаштирилган бронлаш тизимини жорий этиш;
- ✓ Меҳмонхоналарда туристлар учун интернет тизимидан фойдаланишни ташкил этиш;
- ✓ Меҳмонхоналар ҳақидаги мукамал рекламаларни туризм бозорига доимий равишда чиқариб боришни ташкил этиш.

3.2.Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда жойлаштириш хизматларини ташкил қилишда хорижий давлатларнинг тажрибалари.

Францияда қишлоқ туризмини ривожлантириш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, бу туризмни ривожлантиришнинг кўплаб вариантлари ишлаб чиқилган. Масалан, жанубда пляж туризми қишлоқ туризми билан биргаликда ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам қирғоқ, соҳилларда кўплаб замонавий катеджлар қурилган ва қурилмоқда.

Марказда қишлоқ туризмнинг боғдорчилик ва виночилик йўналиши мувофақиятли билан ишламоқда. Бу жойларда туристлар боғдорчиликда, узумзорларда ишлашади, қайтишда маҳсулотлар олиб кетишади.

Шунингдек, Франция гострономия ва виночилик туризмларини ривожлантириш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Гостроном туризмнинг маъноси шундаки туристлар маҳаллий овқатланишни хоҳлайдилар ва қишлоқлардаги миллий таомларни тайёрлашади, дам олади.

Улар маҳаллий таомлар тайёрлашни ўрганадилар, узумдан вино тайёрлаш технологияларини ўзлаштириб олишади, улар вино, шомпан виноларининг турли маркаларини синовчи бўлиб қатнашадилар, ҳатто дастурхонга вино қўйишни, меҳмонхонага вино қўйишни ўрганадилар. Тоғлар бағрида қишлоқлар асосан рекреация ва экологик туризмни ривожлантиришга ихтисослашган. Шу билан бирга бундай қишлоқларда спорт туризми, альпинизм, тоғ – чанғи туризмлари кучли ривожланган.

Францияда қишлоқларда туристларни асосан қишлоқ уйларида ижарага жойлаштирадилар. Шунингдек, туристлар қишлоқларда кўпинча фермерларнинг уйига жойлашиб фермерлар билан бирга ишлашадилар.

Британияда асосий эътибор туристларга жойлаштириш воситаларини яратишга берилади. Шу билан бирга Британия усулини кўплаб Европа давлатлари қабул қилмоқдалар, қўлламоқдалар. Бунда 4 хил жойлаштириш усули тавсия қилинган:

1. Туристлар фермернинг уйига жойлашадилар ва нонуштани фермер оиласи билан бирга қиладилар (farm B&B). Бу ҳолатда туристлар фермер оиласи билан дўстона муносабатларни ўрнатишга интилишадилар;
2. Туристлар алоҳида бинода жойлашадилар ва ўз – ўзига хизмат қиладилар (self catering unit). Бу бино қишлоқнинг оддий уйлари бўлиши мумкин;
3. Деворлар ёки четанлар билан ўралаган, ўртача 8 – 15 туристни жойлаштира оладиган (bunkhouse) бинода туристлар жойлашадилар. Бу усулда жойлашиш ҳар бир турист учун 10 евро туради ва асосан ёшлар учун жуда оммавий ҳисобланади. Туристлар бу жойда жойлашиб фақат тунаш учун келадилар, кундузи кунлари асосан саёҳат, экскурсияларга чиқадилар;
4. Бой туристлар учун бой фермерлар ва бой қишлоқликлар замонавий катеджлар қуришади. Албатта бундай катеджлардаги туристик хизматлар ҳам анча қиммат туради.

Британияда қишлоқ туризмнинг турли йўналишларини қамраб олганлиги билан ҳам қизиқарли ва жорий қилишга ўнғай ҳисобланади. Масалан, қишлоқ туризми кўп ҳолларда билиш туризми, спорт туризми, тоғчанғи туризми, голф туризми, экологик туризм билан қўшилиб кетади. Айниқса шаҳарлик туристлар қишлоқлардаги байрамлар, кечкурунлари ташкил қилинадиган қишлоқ кўнгил очар ўйинларига берилиб қатнашадилар.

Британияда экологик тарбия ва экологик билим бериш қишлоқ туризмида жуда оммавий ҳисобланади. Қишлоқ фермерлари махсус (сим билан ўралган) майдончаларда чорва молларининг ёш болаларини кўйишади(улоқчалар, кўзичоқлар, куёнчалар ва бошқалар). Туристларнинг болалари бу ёш кўзичоқ ёки улоқчалар билан ўйнашадилар, овқат беришадилар, кичик қушлар паркида қушларга дон берадилар, гулларга сув қуядилар. Бу ҳолатда табиатга, ҳайвонот оламига балаларда меҳир, асраб авайлаш туйғулари ҳосил бўлади.

Немсларнинг қишлоқ туризмида жойлаштириш усуллари бу халққа хос бўлган оддийлик, табиат ва жамият қонунларини тушуниш ва ҳурмат қилиш мужассамлашган. Уларнинг шаҳарлик туристлари асосан қишлоқ уйларига жойлашиб туристик фаолият юритадилар, замонавий каттеджларда дам олишни унчалик хуш кўришмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқларда замонавий каттеджлар кўпам қурилмайди.

Германияда қишлоқ туризмини фермерлик туризми деб аташади. Шу сабабли Германиялик фермерларнинг туристларга хизматлар кўрсатиш даражалари жуда юқори.

Немис туристлари қишлоқларда, фермерларнинг хўжаликларида унга ёрдам бериш, ҳайвонларни парваришлаш, меҳмондорчилик қилиш ва балиқ овлашни хуш кўришадилар.

Германияда қишлоқ туризми воқеалар, учрашувлар туризми билан маҳкам боғланган. Чунки Германияда халқ байрамлари, фольклор фестиваллари, халқаро кўргазмалар жуда кўп ташкил қилинади ва ўтказилади.

Масалан, “Октоберфест” байрами дунёда машхур бўлиб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан бу байрамда қатнашиш учун туристлар ташриф буюришадилар. Бу байрамдан кейин қишлоқлар туристларни пивога таклиф қилишади. баъзи қишлоқларда 100 йиллардан бери пиво маркасини бузмасдан келаётган технологиялар сақланиб қолган.

Энг диққатли жойи шундаки, қишлоқ туризмнинг ташкил қилиниши битта мақсадда – шаҳарликларнинг қишлоқларда ўз режаси ва ўз ҳоҳиши бўйича дам олдиришига қаратилган.

Немс халқининг интеллектуал тайёргарлиги, билимли, маданиятли бўлишлигига ҳам кўп жихатдан аҳолининг дам олиш шароитларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Италияда асосан 3 та мавзуда туристик фаолият кўрсатилади:

1. Табиат ва соғлиқ туризми

2. Аъъанавий гастрономия туризми

3. Спорт туризми

Биринчи гуруҳда туристлар кўпроқ табиатга сайр қилиш, пансионат, санатория ва курортларда дам олиш, соғликларини тиклашга каратадилар(къянти, Умбрия ва Сицилия провинциялари).

Иккинчи гуруҳдаги туристлар табиат бағрида дам ҳам оладилар ва виночилик фермаларида ҳам яшаб виночилик, вино тайёрлаш технологияларини ғамлаб ўзлари билан олиб кетадилар (Лигурия, Паскано, Венето, Умбурия, Маркс, Пулия, Калабрия провинциялари).

Бу гуруҳдаги туристлар оқими ҳам жуда катта, зайтун ёғини тайёрлаш, балиқ ови, виночилик билан шуғулланиш шаҳарлик туристларнинг энг севимли юмушларидан ҳисобланади.

Учунчи гуруҳдаги туристлар бутун Италия провинциялари бўйлаб тарқалган, бу туризм гуруҳидагилар чўмилиш, пляжда қорайиш, велоспорт, теннис ва отда сайр қилишни хуш кўришадилар. Туристларнинг жойлашиш ҳолатлари қуйидагича: апартаментларда – 44%; хоналар ва апартаментларда – 22% ; хоналарда – 30%; 4% очик ҳаводаги палаткаларда.

3.3.Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқларда меҳмонхоналар ташкил қилишнинг самарали йўллари.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг муҳим ўрни, аҳамияти ҳақида бир неча бор тўхталдик. Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларининг тажрибаларидан маълум бўлдики, ушбу давлатлар қишлоқ туризмини ривожлантиришга бундан 50 йил олдин киришган.

Дунёда қишлоқ туризми ривожланиши бўйича биринчи ўринда турувчи Франция давлатининг қишлоқ туризмини ривожлантириш моделини, Буюк Британия моделини, Германия моделини ва Италия моделини қишлоқ туризмини халқаро моделлар деб тан олишининг сабаби ҳам шунда.

Энди Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантириш учун қайд қилинган моделларнинг қайси бири ўнғайроқ ва қулайроқ?

Агар бу моделларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини ўрганганимизда уларнинг барчасини қишлоқ туризмни ривожлантиришимиз учун қўллаш ҳеч қандай муаммоларни келтириб чиқармайди, шу билан бирга осон ҳам. Чунки, қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги асосий манба – туристик ресурсларнинг хилма – хиллиги бизда юқорида қайд қилинган Европа давлатларидагидан ҳам кўп.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги асосий муаммолар шундан иборатки, биз ҳанузгача қишлоқ туризмнинг асл моҳияти ва мақсади, вазифаларини тушуниб олганимиз йўқ. Европа давлатларининг қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги асосий мақсади ва вазифаларини юқорида келтирдик.

Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантириш учун, дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишган, сўнгра қишлоқ туризмни ривожлантиришга жавоб берувчи, давлат ваколатини олган ташкилот тузишган(масалан, Францияда – “Туризм ва қишлоқ ерлари ассоциацияси”; Британияда – “Британия туристик кенгаши” ва “Қишлоқ ерларини ривожлантириш агентлиги”; Австрияда – “Австрия фермерлик туризми ассоциацияси” ва бошқалар).

Бизда ҳам мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга, бошқаришга жавоб берувчи “Ўзбектуризм” МК сининг иш бошлаганига қарийиб 20 йилдан. Туризм соҳаси мамлакатимиз учун бутунлай янги соҳа бўлганлиги, туризм соҳасида ташкилий механизм жараёнлари кўп бўлганлигидан давлатимизда асосан халқаро туризмни ривожлантиришга куч берилди.

Хозирга келиб мамлакатимизда туризм (айниқса халқаро туризм) яхши ўсишда ривожланмоқда. 700 дан зиёд туристик фирмалар, туристик ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, туристик оқимнинг 28 минг кишисини бир суткада кутиб олиб жойлаштириш имкониятларимиз бор.

Республикада 4 та туризм коллежида туризмдаги ўрта бўғинда ишлайдиган малакали ёш кадрлар, Бухоро, Тошкент, Ургенч давлат университетларида ва Самарқанд иқтисодиёт институтида олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда.

Ана шундай кадрлар салоҳиятидан, туризмни ривожлантиришдаги тўпланган тажрибаларимиздан фойдаланиб мамлакатимиз аҳолисининг дам олишини, чиниқишини таъминлайдиган, қишлоқлар иқтисодиётини кўтарадиган қишлоқ туризмни ривожлантиришни бошлашимиз туризмдаги долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантиришда дастлабки босқичда қишлоқ туризмни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Иккинчи босқичда эса ана шу ташкилий – иқтисодий механизмлар асосида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий қонунларини ишлаб чиқиш мақсадли йўналиш бўлади.

Учунчи босқичда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий қонунларига асосланиб қишлоқларимиздаги туристик ресурсларимизни рўйхатга олишимиз, уларнинг таъриф – тавфсифларини тайёрлашимиз, фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаб чиқишимиз, туристик объектларда туристик инфратузилмалар яратишимиз лозим.

Энг муҳими қишлоқ туризмни ривожлантиришда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлигини, ахборотланганлигини таъминлашимиз, қишлоқ аҳолиси фарзандларини туризм коллежларида, туризм таълими йўналишидаги институт, университетларда ўқитишимиз ҳам мақсадли тадбирлардан бўлади.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги энг долзарб масалалардан яна бири қишлоқлардаги туристик ресурсларга туристик маршрутлар ва туристик экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Туризмни ривожлантиришда туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва бу турмаршрутнинг рекламасини ички ва ташқи бозорларга чиқаришдан кейин туристик маҳсулотнинг харидорлари— туристлар пайдо бўла бошлаши туризмдаги оддий қонуниятлардан ҳисобланади.

Турдаги ва туристик маршрутлардаги хизматлар маълум бўлгандагина унинг харидорлари – туристлар пайдо бўла бошлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда биринчи ўринда туристик талаб, туристик таклиф ва туристик истеъмолни ўрганишимиз жуда зарур ва бу масала ўта долзарбдир.

Масалан Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожланишини башоратлашда ва истиқболли стратегик режалар ишлаб чиқишда доимий равишда социал сўров ўтказишади. Европа иттифоқининг статистик маълумотлари бўйича 30 % аҳоли қишлоқ туризмида дам олишни хоҳлайди.

Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларидаги ушбу усул – социал сўровни ўтказишимиз ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда кўплаб ижобий хулосаларни бериши мумкин.

Социал – сўров ўтказишдан олдин албатта қишлоқ аҳолиси ўртасида қишлоқ туризмнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари бўйича жиддий ташкилий ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

Хулоса қилганимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда, қишлоқ туризмнинг товарлар ва хизматларини ишлаб чиқишда халқаро моделларни қўллаш катта имкониятлари қишлоқларимизда мавжуд.

Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз:

1. Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш;
2. Давлат дастури асосида – Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш;
3. “Ўзбектуризм” МК таркибида “Қишлоқ туризмни ривожлантириш” бўлимини ташкил этиш;

4. Вилоятлар ҳокимликларида қишлоқ туризмини ривожлантириш билан шуғулланадиган таркиблар ташкил қилиш;
5. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда махсус ахборот тизимини ташкил қилиш;
6. “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг муаммолари ва ечимлари ҳақида доимий мақолалар бериб бориш;
7. Қишлоқларда туризмни ташкил қилиш тадбиркорлиги бўйича доимий тушунтириш суҳбатларини ташкил қилиш;
8. Қишлоқларда туристларни жойлаштиришда ижара усуллариини тушунтириб бориш;
9. Қишлоқларда туристларни жойлаштиришда Европа давлатларидаги қишлоқ туризми фаолиятларини тушунтириб ва ўргатиб бориш.

Хулосалар:

1. Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш миллий ички миллий туризмни ривожлантиришнинг асослари эканлиги, қишлоқ туризмида, дунё – зиёратгоҳ туризми, экологик туризм, археологик туризм, спорт туризми, билиш туризми, агротуризмларининг ҳам биргаликда ривожланиши бўйича маълумотлар келтирилди.

2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг назарий, иқтисодий, амалий ва ижтимоий асосларида мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида қуйидаги таҳлиллар, хулосалар ишлаб чиқилди:

- а) қишлоқ туризмида янги иш ўринлари кўпаяди;
- б) қишлоқларда маҳаллий ишлаб чиқариш кўпаяди;
- в) қишлоқ туризмида табиат муҳофазаси амалга ошади;
- г) қишлоқ туризми маҳаллий аҳолининг ижтимоий – иқтисодий даражаларини ўстиради;
- д) қишлоқ туризми инсонларни руҳий, жисмоний жihatдан дам олдиради.

3. Қишлоқларимизда туризмнинг қуйидаги турларининг ресурслари ҳам мавжуд:

- **тарихий – археологик туризм ресурслари** – тарихий обидалар, тарихий жойлар, археологик қолдиқлар, топилмалар;
- **этнографик туризм ресурслари** – анаънавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фолклар, урф-одатлар, маданият, турли маросимлар, миллий ўйинлар;
- **қишлоқ хўжалик – агротуризм ресурслари** – қишлоқ боғлари, деҳқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва қурилиши;
- **диний – зиёрат туризми ресурслари** – муқаддас қадамжолар, азиз-авлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;

- **экологик туризм ресурслари** – қишлоқ жойларнинг ватанимизнинг барча табиий – географик минтақаларида (тоғ, тоғ олди, чўл, адир, сув ҳавзалари) жойлашганлиги;
- **рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари**- пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари.

4. қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қўйидаги муаммаларни ечиш мақсадли йўналиш бўлади:

- қишлоқлардаги туристик ресурсларнинг рўйхатини олиш, улардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш даражалари, тавсифларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ туризмида атроф муҳитни муҳофаза қилишда экологик туризмни ривожлантириш дастурларини яратиш;
- қишлоқларда етиштирилаётган ва ишлаб ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг сифатини кўтариш ва истеъмолчини таклиф қилиш;
- қишлоқ туризмида маркетингни ташкил қилиш ва талаб-таклиф-истеъмолчи тизимидаги ишларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тавсиялар:

1. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қишлоқларимиз аҳолисини қишлоқ туризмини ривожлантиришга, қишлоқ туризмнинг мақсади ва вазифаларини билиб олишга тайёрлаш, туризм соҳаси ва қишлоқ туризми билан ахборот манбалари билан таъминлаш лозим.
2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Қишлоқ туризми” фанини туризм таълимининг барча йўналишларида ўқитиш.
3. “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг муаммолари ва ечимлари ҳақида доимий илмий – оммобоп мақолалар бериб бориш.
4. Қишлоқларда Жиззах вилоятининг Фориш тумани ва Зомин миллий боғида туристларни ижара усулида жойлаштиришни тарғиб қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX I – асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 – июндаги 1162 рақамли “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора – тадбирлар тўрисида”ги фармони. Халқ сўзи, 1995 йил 3 – сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 325 – сонли қарори, 17 – апрел, 2006 й.
5. Александрова А.Ю. География туризма, М.: 2011, КноРус.
6. Александрова А.Ю. Международный туризм. М.: 2010, КноРус.
7. Ахмедов Х.И., Аллаберганов А.А. Организация туристической деятельности. Т.: 2004.
8. Биржаков М.Б. Введение туризма. Издательский дом “Герда”, 2006.
9. Дурович А.П. Организация туризма. М.: 2005.
10. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. М.: “Финансы и статистика”, 2003.
11. Солиев А., Назаров М., Ўзбекистон қишлоқлари, Тошкент, 2009
12. Солиев А., Қишлоқ жойлари демографияси., Тошкент, 2005
13. Тухлиев И.С. Туризм асослари, С.: 2008.
14. Ҳайитбоев Р., Саттаров А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. С.: 2009.
15. Ҳайитбоев Р., Амриддинова Р. Туризмнинг махсус турлари, С.: 2008.
16. Ҳайитбоев Р., Матякубов У. Экотуризм. С.: 2010.

17. Ҳайитбоев Р., Пардаев О. Туризмнинг менежменти. С.: 2011.